BUXORO VILOYATI PESHKU TUMANI HOKIMINING QARORI

201200, Peshku tumani, Amir Temur ko‘chasi, 3-uy. Tel: (65) 35-31- 6-31, faks: (65) 35-31-570, peshku.t@exat.uz

2022 - yil 9 - dekabr 617-2-39-Q/22 Peshku tumani hokimligi

Туманда табиий пичанзорлар ва яйловлардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12, 44-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашинишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 689-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида пичан ўриш, табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг меъёрлари, муддатлари ва рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдорлари 1-иловага;

чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашнинг меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўлими, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туман бўлими табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни қонунчилик талаблари асосида амалга оширилишини таъминласин.

3.Ушбу қарорни расман эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Қаҳҳоров**

Peshku tuman hokimining
2022 yil 9 dekabrdagi
617-2-39-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туман ҳудудидан пичан ўриш, табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг меъёрлари, муддатлари ва рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдорлари

Т/Р	Чорва мол тури	Ўлчов бирлиги (бош)	Ўтлатишнинг меъёрлари (талаб этиладиган майдон, га)	Муддати	Рухсатнома берилганлиги учун ундириладиган тўлов миқдори (базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб) % да
1	6 ойдан катта қўйлар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
2	6 ойгача бўлган ёш қўзилар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
3	6 ойдан катта эчкилар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
4	6 ойгача бўлган улоқлар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
5	Катта ёшдаги қорамоллар	бош	1 га	1 йил	0.3 %
6	Икки ёшгача бўлган бузоқлар	бош	1 га	1 йил	0.2 %
7	Катта ёшдаги отлар	бош	1 га	1 йил	0.3 %
8	Икки ёшгача бўлган тойлар	бош	1 га	1 йил	0.2 %
9	Катта ёшдаги эшаклар (уй ҳайвони)	бош	1 га	1 йил	0.3 %
10	Икки ёшгача бўлган хўтиклар (уй ҳайвони)	бош	1 га	1 йил	0.2 %

Peshku tuman hokimining
2022 yil 9 dekabrdagi
617-2-39-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашнинг меъёрлари

Фойдаланиш муддати	Пичан ўриш миқдори ҳажмлари (кг, тонна, кубаметр)	Ажратиладиган майдон, га	Рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдори
Бир йил (мавсум даврида)	кг	1 га	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 % миқдорида